



**Камола РАҲМАТЖОНОВА**

илмий изланувчи

Тошкент давлат шарқшунослик институти

[abdullayeva\\_kamola@mail.ru](mailto:abdullayeva_kamola@mail.ru)

## **СИНДҲИЙ ФИЛОЛОГИЯСИГА ДОИР**

Мақолада Жанубий Осиё тилларидан бири бўлмиш илмий жиҳатдан ҳанузгача ўрганилмаган синдҳий тилининг лингвистик мавқеи, тарихи, адабиёти ва фонетик, морфологик ҳамда синтактик хусусиятлари ўзбек ҳиндшунослиги тарихида илк бор ўрганилмоқда. Мақолада рус, инглиз ва ҳинд манбаларига таянилган.

В статье содержится анализ языковых (фонетика, морфология и синтаксис) особенностей, а также дается описание основных моментов исторического и литературного развития языка синдхи, представляющего языка Южной Азии, что проделано впервые в узбекской индологии на базе материалов на русском, английском и индийских языках.

The paper is dedicated to analysis of linguistic, including phonetics, morphology and syntax features as well as certain aspects of historic and literary development of Sindhi as one of the South Asian languages. The one is carried on the basis of Russian, English and Indian sources for the first time in Uzbek Indology.

**Калит сўзлар:** социолингвистик, инъектив, импловив, ретрофлекс, паолатал, веляр, предикатив, энклитик, этнолингвистик, каузатив.

**Ключевые слова:** социолингвистический, инъективный, импловивный, ретрофлексный, палатальный, велярный, предикативный, этнолингвистический, каузативный.

**Key words:** sociolinguistic, injective, implosive, retroflex, palatal, velar, predicative, ethno linguistic, causative.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга ва ўргатишга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Жанубий Осиё тилларини ўрганиш, мазкур тиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва Ҳиндистон ҳамда Покистон орасидаги кенг қамровли алоқаларнинг ривожланиб бораётгани Жанубий Осиё тилларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини талаб этади. Мамлакатимиз тилшунослари томонидан

Жанубий Осиё тилларига оид кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, айнан синдхӣй тили мавзусига чуқур тўхталиб ўтилмаган. Бироқ ўзбек ҳиндшуносларидан бири О.Н.Шоматов ўзининг “Жанубий Осиё тилларига кириш” номли асарида ҳинд-орӣй тиллари ҳақида тўхталиб ўтиш жараёнида синдхӣй тили ҳақида ҳам баъзи бир фикрларни келтириб ўтади.

**Мавзунинг долзарблиги.** “Синдх” сўзи санскритча “sindhu” сўзидан келиб чиқиб, дарё, оқим, океан, денгиз каби маъноларни англатади(1 , 732).

Синдхлар синдхӣй тилида сўзлашиб, улар асосан Покистоннинг Синдх вилоятида, шунингдек, Ҳиндистонда яшайдиган халқ ҳисобланади. 1947 йилдаги сиёсий бўлинишдан сўнг 1 млн. 250 мингдан ортиқ синдхлар Ҳиндистонга кириб келганлар. Улар асосан, Мумбаи, Пуна, Ажмер, Дехли, Аҳмадобод ва бошқа шаҳарларга келиб жойлашганлар( 2, 5). Тадқиқотларга кўра, дунё бўйича 15 млн.дан ортиқ аҳоли синдхӣй тилида сўзлашадилар(4, 53). Бундан ташқари, дунё халқлари орасида синдхӣй тилининг турли шеваларида гаплашувчи кишилар ҳам мавжудлиги кузатилган(3, 52). Шунингдек, Ҳиндистон Республикасининг 1981 йилги Конституциясига биноан, синдхӣй тили давлат тилларидан бири сифатида тан олинган. Кўринадики, танланган мавзу социолингвистик жиҳатдан кенгрок ёритилса, мазкур соҳани чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан ушбу мавзу долзарб илмий аҳамиятга эга.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур ишдан кўзланган мақсад ҳинд-орӣй тиллари гуруҳига мансуб синдхӣй тилининг Жанубий Осиё тиллари орасидаги мавқеини аниқлашдан иборатдир. Белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- синдхӣй тилига оид илмий ва амалий манбалар билан танишиш;
- тўпланган маълумотлар асосида бу тилнинг ўзига хос томонларини аниқлаш;
- мазкур тилга мансуб ёзма ёдгорликлар ҳамда бадий адабиётнинг бетакрорлигини изоҳлаш.

Мавзуга оид тўпланган материаллар тавсифӣй ҳамда қиёсий-типологик методлар ёрдамида таҳлил этилди.

**Синдхӣй тилининг ўзига хосликлари.** Олимларнинг фикрича, синдхӣй тилида янги ҳинд-орӣй тилларининг шимоли-ғарбӣй гуруҳига хос фарқловчи хусусиятлар мавжуддир. Синдхӣй тили жуда кўп тарихий асорат сифатида қолган қўшимчаларга эга бўлган тилдир. С. Чаттержий “синдхӣй тили ҳинд-орӣй тилларининг энг муҳим тилларидан бири ва унинг бошқа тиллардан ажралиб турадиган қирралари мавжуд”, деб таъкидлаган(4, 8). Бу тил ҳинд-орӣй тилларининг қадимий удеця шеваси тараққий этиб, кейинчалик апабхранша шевасидан келиб чиққан, унинг бешта шеваси мавжуд: вичоли, сирайки, лари,

тхарели ва качхи. Синдхйй тилининг шаклланган шеваси вичолидир, адабий тил мазкур шева негизида ётади. Аниқланишича, мазкур тил фонологияси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзлашма сўзлар фонологияси ҳиндий тили билан ўхшаш бўлса, туб сўзлар, асосан, араб тилига хос шаклда талаффуз этилади. Бунинг асосий сабабларидан бири синдхйй тили алифбоси даставвал деванагариди бўлиб, VIII асрдан бошлаб Синдх водийсига араблар истилоси билан бирга араб алифбосининг кириб келганидир(3, 53). Рус тилшунос олими Г. Зограф фикрларидан шу маълум бўлдики, синдхйй ва ҳиндий тиллари морфологияси ҳамда синтаксиси бир-бирига жуда яқиндир. Қолаверса, Г. Зографнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар аниқланди.

Бошқа қардош тиллардан синдхйй тилининг асосий фарқлари қуйидагича:

а) *фонетикада* – инъектив ёки импловиз (портловчи) жарангли ундошларнинг мавжудлиги: буларга *b,d,j,g* лар киради; унлилар гуруҳи ҳиндий тилидаги унлилар гуруҳига тўғри келади; унлилар тизимида сўзнинг охирида келувчи қисқа ва енгил талаффуз қилинадиган унлиларнинг сақланиши; ушбу унлилар шакл ясалишда қатнашган ҳолда маъно фарқловчи вазифаларни сақлаб қолиб, ёзувда ҳам акс эттирилади. Бундай унлилар талаффуздан чиқиб кетиши *n* ва *s* ундошларидан кейин кузатилади. Боз устига сўз охирида портловчи ундош келиши мумкин эмас. Инглиз олими Р.Л. Тернер фикрича, “лаблар ёки тил ва танглай туташганда товуш тешиги ёпилади. Бўғиз пастга туширилади ва сезиларли даражада мускуллар таранглашади. Товуш пайчалари жипслашиб, мазкур туташув тугамагунча оғиз бўшлиғига ҳаво кирмайди, сўнгра товуш тешиги очилиб, овоз пайдо бўлади”(5, 304). Бундай ундошлар бошланғич ва интервокал позицияларда сақланади. Ретрофлекс (церебрал) *n* дан ташқари полотал *n* ва веляр (танглайли) *n* бурун димоғли товушлар бошланғич позицияда келмай, барчаси фонема даражасига эга. Бошқа тиллардан ўзлашган ундошлар худди ҳиндий тилидагидек талаффуз этилади.

б) *морфологияда* – отга хос парадигмаларда омонимлик шакллар қаторида эски синтетик шаклларнинг қўлланилишига қарамасдан омонимиянинг чекланганлиги, от тизимида музаккарда уч хил турланиш кузатилади. Булардан иккитаси тематик табиатга эга. Булардан чўзиқ *o* билан тугайдиган отлар кучли позицияда ҳисобланади ва қисқа *u* билан тугайдиган отлар кучсиз позицияда ҳисобланади. Муаннасада эса чўзиқ *i* билан тугаган отлар кучли позицияда ва қисқа *a* билан тугаган отлар эса кучсиз позицияда ҳисобланади. Қолган синтетик келишик шакллари мунтазам табиатга эга эмас. Уларнинг ясалишида кучсиз тематик музаккар типли отлар билан бирикиб келадиган аффикслар ёрдамида ясалади. Масалан, чиқиш келишиги ясалишида *an* аффикси қўлланилса, кўпликда воситали келишик охирида келувчи кўшимча билан бирикади: - *an* – а. Орт

кўмакчиларга келганда жўналиш ва тушум келишикларида *khe*, ўрин-пайт келишигида *me*, ташқи ўрин-пайт келишигида *te*, асбоб-ускуна келишигида *sa* ҳамда қаратқич келишигида *ja,ji,jo,ju*; сифат сўз туркумида бирликлар аниқловчи билан жинс, сон ва келишиқда мослашади; синдхй тилининг асосий хусусиятларидан бири ўзига хос олмошли энклитикаларнинг мавжудлигидир. Бу феълнинг предикатив шакли билан бирикиб субъектли, воситасиз ва воситали вазифаларда келади. Эгалик вазифасида эса отлар, орт кўмакчилар ва ёрдамчи сўз *sando* бирикиб келади; феъллар тизимида сифандошдан ясалган шаклларда иккиламчи флекциянинг мавжудлиги, олмошлар тизимида субъектли, объектли ва атрибутив вазифаларда энклитикаларнинг қўлланилиши кузатилади. Феъл тизимида икки хил тусланиш шакллари кузатилади: биринчисида, чўзиқ *-a* (ўтимсиз ва мажхул феъллар), иккинчисида қисқа *-i* (ўтимли ва каузатив) феълларда юз беради. Тусланишсиз шаклларга келганда инфинитив *-ani, -ini* кўшимчаларидан фойдаланилади.

в) *синтактик жиҳатдан* синдхй тили асосан ҳиндий тили билан яқинлашади. Аммо энг кўзга кўринган фарқларга келганда улардан қуйидагиларни кўрсатса бўлади: 1) жинс ва келишиқда қисман мослашувдан ташқари ҳаттоки тўлиқ мослашув сифатида аниқловчи аниқланмиш билан сонда ҳам мослашуви қўлланилади. Бундай ҳодиса воситали ёки мурожаат келишиқларининг кўплик шаклида кўпроқ кўринади; 2) эргатив конструкцияда бажарувчидан кейин орт кўмакчининг қўлланмаслиги кўзга кўринади, бажарувчи шакли воситали бўлади; 3) меъёрий, предикатив ва посессив конструкциялар ўрнига эркин равишда олмош энклитикали конструкция берилади.

**Синдх адабиётига доир.** Бу тилда ёзилган энг қадимги адабиётлар мил.авв. 100 мингинчи йилга бориб тақалади. Бу даврда бошқа ҳинд-орий тиллари адабиётига эндигина қадам қўйилаётган эди. Синдхй адабиёти қадимий фольклор аъналарига эга. Жумладан, бу тилда ёзилган кўплаб қаҳрамонлик-романтик эпослар мавжуд, шунингдек, эртак характеридаги ёдгорликлар сақланиб қолган. “Канисар ва Дадо”, “Момал ва Рано”, “Омар ва Маравий” шулар жумласидандир.

Этнолингвистик жиҳатдан ёндашганда, шуниси муҳимки, синдхй тили қадимдан ҳинд ва мусулмонларни бир-бирига боғлаб турувчи тил бўлган. Синдх водийси чегара ҳудуд бўлгани учун бу ерда ҳар хил қабила ва элатлар истиқомат қилганлар. Даставвал бу ҳудуд VIII асрда араблар истилосига юз тутди. Бу Синдх маданиятига мусулмон маданияти таъсирининг катта бўлганлигини билдиради. VIII асрда Синдх водийсига кириб келган араблар синдхлар орасида ёйилган афсоналар ва адабиётлар билан танишиш натижасида “Маҳабхорат” араб тилига таржима қилинади. Турли тахминларга кўра, бу асар санскрит тилидан эмас,

Синдх водийсида мавжуд бўлган, синдхй тилининг қадимий шакли апабхранша шевасидан таржима қилинган. Олимларнинг таъкидлашича, синдхй тилининг қадимий шаклидан араб тилига таржима қилинган “Маҳабхорат” достонида Синд водийсига мансуб урф-одатлар, давлат бошқарувлари ҳамда кўпгина тарихий маълумотлар ҳақида батафсилроқ сўз юритилади(5 , 314).

XV аср синдх адабиётида асосий ўринни ислом ғоялари эгаллайди. Шеърият ривожланиши мобайнида ҳинд-мусулмон маданияти қўшилиши кузатилиб, бу ғоялар кўпроқ Шоҳ Абдул Карим Буларий, Маҳмуд Ноҳа Халакунди, Маҳдум Пир Муҳаммад Лакхилар ижодида яққол кўзга ташланади.

Р. Егорованинг таъкидлашича, 1600 йилда Муҳаммад Масъум томонидан Синдх тарихи ёзилган. Моҳенждаро шаҳрида олиб борилган қазилма ишлари шуни исботлайдики, Синдх аҳолисининг аجدодлари Ҳинд водийсининг қадимий маданиятининг асосчилари дравидлар бўлганлар. Кейинчалик Синдх водийсига келган орий қабилалари аҳолининг бу тилига ўз таъсирини ўтказганлар(2, 8).

Манбалара қайд этилишича, XVIII аср охири XIX аср бошларидаги ёрқин намояндалар Шоҳ Абдул Латиф (1680–1752), Сачал (1739–1828), Сами (1743–1850) ва бошқалар бўлганлар. Уларнинг асарлари асосан тасаввуф ғоялари асосида ёзилган. Бу даврда асосан насрчилик ривожланган.

1843 йили Синдх водийси инглизлар томонидан босиб олинган, табиийки, инглизлар синдхй тили ва адабиётига ўз таъсирини ўтказганлар. Ёзувчилар реалистик йўналишда ижод қила бошлайдилар. Тасаввуф ғоялари ўрнини миллий озодлик ҳаракати ғоялари эгаллар экан, шеърият, ҳикоя жанри ривожланади.

XIX аср ўртаси XX аср биринчи ярми йирик намояндаларидан Мирза Қилич Бег (1859–1929) бўлган. У уч юзга яқин китоб муаллифидир. Унинг асарлари асосида “Милхат ул-ҳикмат” номли синдхй тили луғати тузилган. Мирза Қилич Бег таржимонлик соҳаси билан ҳам шуғулланган. Куромал Чандамал ҳам мумтоз санскрит адабиёти бўйича иқтидорли таржимон бўлган.

XX асрнинг биринчи ярмида синдхй тилида ижод қилувчи шоир ва ёзувчилар ижтимоий муаммолар, оддий халқ ҳаёти ва мамлакатда аёллар ўрни ҳақида ёза бошлайдилар. Замонавий шоирлар орасида Танвир Аббаси, Ниёз Хумаюн, Гхулам Муҳаммад Гарамии, Хундраж Дукхаяла жуда машҳурдирлар. Бу даврга келиб синдх адабиётида қисқа ҳикоя жанри кенг ривожлана бошлади. Қолаверса, адабий танқид ривожланиб борди.

1896 йили Лиларам Ватанмал Лалвани томонидан “Рамаяна” ғоялари асосида ёзилган пьесаси сахналаштирилди. Шундан сўнг синдх адабиётида драматургия ҳам кенг ривожлана бошлади.

Манбаларда қайд этилишича, синдхй тилида “Бхагавад-гита”, “Упанишад”лар каби диний асарлар, Тулсидас, Кабир каби йирик ёзувчилар



асарлари таржимаси ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Р.Тагор, Б.Чоттападхай, Премчанд, Кришан Чандар, Аҳмад Аббос, С.Манто асарлари ҳам синдҳий тилига таржима қилинган. Жаҳон адабиёти дурдоналаридан М.Горкий, Толстой, С.А.Пушкин, Чехов, О.Генъри, Мопассаннинг асарлари ҳам бу тилга таржима қилинган.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, синдҳий тилидаги биринчи газета 1875 йили Карачида чоп этилган. Покистондаги энг йирик илмий адабий жамиятлардан бири “*Sindhi adabi bord*” (“Синдҳ адабиёти бўлими”) ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Покистондаги айрим ўрта ва бошланғич мактабларда таълим синдҳий тилида олиб борилади. Худудий давлат идораларида, баъзи радио дастурлари синдҳий тилида юритилади. Давлат тарихида биринчи марта 1962 йил 29 июнда Ҳиндистон Миллий мажлисида синдҳий тилида маъруза қилинган.

1957 йилнинг охирида Дехлида синдҳий тилини “Асосий Ҳиндистон тиллари” таркибига киритилишини талаб қилинган биринчи бутун синдҳий тилида сўзлашувчилар конференцияси бўлиб ўтди. Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Ж.Неру “Синдҳий бошқа тиллар эга бўлган ҳуқуқларга эга бўлиши кераклиги ҳақида”ги дастурга имзо чекди(6). Бу дастур натижасида синдҳий тилининг университетларда, таълим ва илмий изланишлар вазирлигида, ўрта таълим бошқармасида, почта ва телеграф департаментида ва шу каби жойларда ишлатишга руҳсат берилди.

Маълумотларга кўра, XX асрнинг ўрталарида синдҳий тили грамматикасининг кўп қисми ёзилган. 1836 йили В. Утен, кейинроқ Ж. Стек, Р. Трумп, Ж. Гривсонларнинг грамматик асарлари чоп этилган. Синдҳий тилининг грамматик тизими муаммоларига Ж. Бимз, Г. Моргенстерни каби ҳиндшунос олимлар ҳам мурожаат қилганлар(2, 13).

Демак, синдҳ халқлари бошқа қўшни халқлардан фарқли ўлароқ жуда йирик бўлмаса-да, адабиёти, тарихи, маданияти, айниқса, тил тарихига жуда бойлиги билан аралиб туради.

Юқоридаги фикрлардан кўринадикки, ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб, ханузгача батафсил ўрганилмаган, дунёнинг етакчи тилларидан бири сифатида тан олинисига ҳақли синдҳий тилини кенг миқёсда талқин қилиш, айниқса, морфологик жиҳатдан ўрганиб, дунёга танитиш тилшунослик соҳасининг ривожига катта хисса қўшади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Санскритско-русский словарь/ Под редакций В.И.Кальянова. – М., 2005.
2. Егорова Р.П. Язык синдхи. – М., 1966.
3. Зограф Г.А. Языки Южной Азии. – М., 1990.
4. Chatterji S.K. The origin and development of the Bengali language. – Calcutta, 1975.
5. Chatterji S.K. Select papers. – New Delhi, 1972.
6. Hayat, Delhi, April 12, 1964.
7. Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков. – М., 1976.
8. Лингвистический энциклопедический словарь/ Главный редактор В.Н.Ярцева. – М., 2002.
9. Bulletin of the school of Oriental and African Studies III с.
10. Hayat, Delhi, April 12, 1964.